



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2014-yil, 20-noyabr. Payshanba • 135 (31.882) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

БИЗ — МАМЛАКАТИМИЗ ЁШЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИШГА ЧАҚИРАМИЗ!



Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти сафида 130 мингга яқин ижтимоий-сиёсий фаол, истеъдодли, ташаббускор йигит-қизлар билан бирлашган. Улар — Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари, Президент ҳамда Давлат стипендиялари соҳиблари, Ўзбекистон ва халқаро турнирлар ғолиблари бўлган машҳур спортчилар ва истеъдодли ёшлардир. Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти 14 худудий ва

195 шаҳар, туман бўлимларидан иборат. Унда «Ёш сиёсатчилар клуби», экспертлар гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда. «Истиқбол» ёшлар қанотининг йирик лойиҳаларидан бири «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови ҳисобланади. Ушбу танловнинг асосий мақсади ёшларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, партиянинг Сайловолди дастурларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда

ёшлар иштирокини янада кенгайтириш, худудларни ривожлантириш борасида ижтимоий лойиҳалар ишлаб чиқиш каби долзарб масалаларга қаратилган. Танловнинг «Мен ватаним равнақиға ҳисса қўшишни хоҳлайман» шiori остида ўтказилиши эса унинг аҳамиятини янада оширмоқда. «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловида 2008-2014 йиллар давомида 65 000 нафардан зиёд йигит-қиз иштирок этди. 2014 йилда уларнинг сони 14 625 нафарни ташкил этди. Тан-

ловга тақдим этилган лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиши натижасида 2013 йилда 587 янги иш ўрни яратилган бўлса, 2014 йилда 878 иш ўрни ташкил этилмоқда. Шунингдек, бу йилги кўрик-танловда республика бўйича 150 000 нафардан ортиқ йигит-қиз қамраб

олинди. Бу эса танловда қатнашиш истагини билдираётганлар сони йилдан-йилга ортиб бораётгани, унинг нуфузи ҳам юксалаётгани, асосийси, ёшларимизда мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси кучаяётганидан далолат беради. **Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафларида қудратли кучга айланаётган истиқболчилар мамлакатимиз ёшларини ЎзХДП номзодларига овоз беришга чақиради.** **Нурали ОРИПОВ,** «Ўзбекистон овози» мухбири.

ШВЕЙЦАРИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Швейцария Конфедерацияси Президенти, ташқи ишлар вазири, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси Дидье Буркхальтер 2014 йил 21 ноябрь куни мамлакатимизга ташриф буюради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан учрашувда Ўзбекистон ва Швейцария муносабатларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, ЕХХТ доирасидаги ҳамкорлик масалалари, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинади.

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йил 9 ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқди. Бу ҳақда Молия вазири ўринбосари Мубин Мирзаев депутатлар олдида маъруза қилди.

Бюджет ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш зарур!


Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг позицияси шундай

Йиғилишда жорий йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифа ва устувор йўналишлари бўйича ҳуқуқат томонидан тизимли ишлар олиб борилаётгани таъкидланди. Ҳисобот даврида асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиш суръатлари таъминланган, иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқлари янада мувозанатли ривожланаётган. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг 9 ойида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,4 фоизга, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 11,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,8 фоизга, қурилиш ишлари 18,9 фоизга, чакана товар айланмаси 14,2 фоизга, пулли хизматлар ҳажми эса 11,1 фоизга ўсган. Утган йилнинг шу даврига нисбатан машинасозлик ва металл кайта ишлаш, қурилиш материаллари саноати, энгил ва озиқ-овқат саноатининг барқарор ўсиши кузатилади.

Ҳисобот даврида Давлат бюджети даромадлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,5 фоизни, харажатлари эса 22,4 фоизни ташкил қилган, яъни Давлат бюджети 0,1 фоиз профицит билан ижро этилган. Фракциямиз ҳисоботни кўриб чиқишда Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлигига алоҳида эътибор қаратди, — деди фракция аъзоси **Эмвуддин Мансуров.** — Таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини мақсадли ижтимоий кўлаб-қувватлашга йўналтирилаётган маблағлар юртимиздаги ҳаёт даражасини кўтаришда, жумладан, таълим ва тиббий хизматлар сифатини оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Дунёдаги молиявий-иқтисодий муаммоларнинг салбий таъсирига қарамадан, иш хақи, пенсия, стипендия ва нафақалар ҳамда биринчи даражали тўловлар ўз вақтида молиялаштирилаётганини эътироф этамиз. Бу ҳолатлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати манфаатларига мос келади.

Бюджет ижроси бўйича билдирилган фикр-мулоҳазалар, ҳулосалар умумлаштирилиб, фракциянинг позицияси ва таклифлари шакллантирилди. Давлат бюджети ижросида кўзга ташланган айрим камчиликларни, мисол учун, бюджет муассасаларида маблағларнинг мақсадсиз сарфланиши, ноқонуний ишлатилиши билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича парламент назоратини кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси ва бошқа тегишли қонунларга тўлиқ риоя қилиниши юзасидан тавсиялар тайёрланди.

Тўлқин ТўРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



2014 йил 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Сайловларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси кўрсатган номзодларга овоз беринг!

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Сайловолди ташвиқоти

қандай олиб борилишини биласизми?

www.uzbekistonovozi.uz



Муҳаммадқодир АБДУЛЛАЕВ, Олимпиада ўйинлари чемпиони:

— Мен Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзосиман.

«Ўзбекистон овози» газетасининг ўқувчисиман. Ушбу нашрда спорт ҳақида тезкор, таҳлилий мақолалар доимий бериб борилади.

«Ўзбекистон овози» барчамизнинг севимли газетамиз!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

Обуна индекси — 220

ЎзХДП янги Сайловолди дастурида ёшларни ишга жойлаштириш бўйича янги таклифларни илгари сурди.

Газетамизнинг келгуси сонларидан бирида шу ҳақда ўқийсиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

ҚОРАҚАЛПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙИЧА:			
Фамилияси, исми, отасининг исми	Тутилган йили	Эгаллаб турган лавозими	Доимий яшаш жойи
1-Нукус сайлов округи			
Кайпанова Гульнар Кдирбаевна	1973	«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси худудий филиали МСП бригада шифокор-педиатри	Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри
2-Тўртқўл сайлов округи			
Жумамуратова Санемхан Генжебаевна	1981	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон республика кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси	Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри
3-Элликқалъа сайлов округи			
Матниязова Айша Атаниязовна	1970	Элликқалъа тумани маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи	Қорақалпоғистон Республикаси, Элликқалъа тумани
4-Амударё сайлов округи			
Машарипов Айбек Султанбаевич	1979	Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи	Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани
5-Хўжайли сайлов округи			
Худайбергенов Салауатдин	1973	Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани
6-Чимбой сайлов округи			
Кармисова Райхан Атажановна	1964	Қораўзақ туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси	Қорақалпоғистон Республикаси, Қораўзақ тумани
7-Орол сайлов округи			
Қурбанбаев Қуатбай Жанбулович	1978	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси	Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани
8-Ақманғит сайлов округи			
Ерниязова Гулчехра Джуманиязовна	1971	Кегейли туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактаби директори	Қорақалпоғистон Республикаси, Кегейли тумани
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:			
9-Андижон сайлов округи			
Каримов Дилмурод Раҳимжонович	1983	Андижон вилоят ҳўжалик судининг судьяси	Андижон вилояти, Андижон шаҳри
10-Олтинқўл сайлов округи			
Раҳмонов Зафаржон Закирович	1966	Андижон қишлоқ ҳўжалик институти Генетика, қишлоқ ҳўжалиги экинлар селекцияси ва уруғчилиги кафедраси мудири	Андижон вилояти, Андижон тумани
11-Бўз сайлов округи			
Кетмонов Хатамжон Абдурахмонович	1969	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси	Андижон вилояти, Андижон шаҳри
12-Шахрихон сайлов округи			
Асранкулова Дилорамхон Бахтияровна	1968	Андижон давлат тиббиёт институтининг Акушерлик ва гинекология, болалар гинекологияси кафедраси мудири	Андижон вилояти, Андижон шаҳри
13-Асака сайлов округи			
Абдуллаева Муқаддасхон Ибайдуллаевна	1958	Республика маънавият тарғиботи маркази Асака туман бўлими раҳбари	Андижон вилояти, Асака тумани
14-Марҳамат сайлов округи			
Мўминов Дурбек Нўмонович	1961	Андижон вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи	Андижон вилояти, Асака тумани
15-Хўжаобод сайлов округи			
Бакиев Музаффар Алишеревич	1971	«Ўз-Ханву» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси бош директори	Андижон вилояти, Асака тумани
16-Пахтаобод сайлов округи			
Солиев Эркин Одилович	1962	«Ўз Донг Янг Ко» қўшма корхонаси шимолий саноат худуди директори	Андижон вилояти, Андижон тумани
17-Қўргонтепа сайлов округи			
Абдухалилов Қозимжон Хасанбоевич	1984	«O'zEcosat» қўшма корхонаси бош директори	Андижон вилояти, Асака тумани
18-Избоскан сайлов округи			
Мамажонов Дилшод Гафурович	1972	«O'z-Tong Hong Kompani» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси техник директори	Андижон вилояти, Избоскан тумани
19-Хортум сайлов округи			
Умарова Феруза Нажмидиновна	1973	Андижон туман ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича бош мутахассиси	Андижон вилояти, Андижон тумани
20-Чинобод сайлов округи			
Комилов Нодирбек Анварбекович	1972	Андижон шаҳридаги «Ўз-Сэ Мюнг Ко» қўшма корхонаси бош директори	Андижон вилояти, Асака тумани
БУХОРО ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:			
21-Бухоро сайлов округи			
Фазилов Санжар Хақимович	1979	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Бухоро вилоят бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани
22-Когон сайлов округи			
Артикова Хафиза Тўймуродовна	1976	Бухоро давлат университети Кимё-биология факультети декани	Бухоро вилояти, Бухоро тумани

23-Шохруд сайлов округи			
Тилавова Матлаб Мухамадовна	1968	Бухоро педагогика коллежи директори	Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри
24-Ибн Сино сайлов округи			
Умаров Фарход Бакоевич	1977	Бухоро вилоят ҳокимлиги Молия бошқармаси бошлиғи	Бухоро вилояти, Когон тумани
25-Варахшо сайлов округи			
Қиличев Илхом Қудратович	1971	«Амубухоро каналқурилиш» очик акциядорлик жамиятининг 1-сон кўчма механизациялашган колоннаси бошлиғи	Бухоро вилояти, Бухоро тумани
26-Пайкент сайлов округи			
Юлдашева Дилафруз Ахматовна	1973	Қорақўл туман тиббиёт бирлашмаси 1-болалар бўлими мудираси	Бухоро вилояти, Қорақўл тумани
27-Жилвон сайлов округи			
Фатиллаев Кахрамон Шаропович	1962	«Ўзмахсуссувқурилиш» иштирослашган давлат корхонаси директори	Бухоро вилояти, Бухоро тумани
28-Ғиждувон сайлов округи			
Жумаев Фарход Ҳожиқурбоневич	1963	Бухоро вилояти қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи	Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:			
29-Жиззах сайлов округи			
Назаров Баходир Сулайманович	1966	«Жиззах ҳақиқати» ва «Джиззакская правда» газеталари бош муҳаррири	Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри
30-Дўстлик сайлов округи			
Акрамова Зулайхо Абдуразоқовна	1970	Жиззах вилояти архив иши бошқармаси бошлиғи	Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри
31-Зарбдор сайлов округи			
Суюндиқов Равшан Худайназарович	1966	Зарбдор тумани Болалар ва усмирлар спорт мактаби директори	Жиззах вилояти, Зарбдор тумани
32-Ғаллаорол сайлов округи			
Қулжанов Бердиёр Базарбаевич	1961	Ғаллаорол туман Фермерлар кенгаши раиси	Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани
33-Пахтакор сайлов округи			
Нарзуллаев Зуфар Ғиёсович	1970	«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Капитал қурилиш дирекцияси бошлиғи	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани
НАВОЙ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:			
34-Навоий сайлов округи			
Ашурова Насиба Батировна	1974	Навоий давлат кончилик институтининг Иқтисодиёт ва менежмент кафедраси доценти	Тошкент шаҳри, Бектемир тумани
35-Қизилтепа сайлов округи			
Аҳмедов Аҳад Амиридинович	1964	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Миробод тумани
36-Зарафшон сайлов округи			
Тумишова Ақсаби Молдағалиевна	1965	Зарафшон шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактаби директори	Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри
37-Хатирчи сайлов округи			
Раҳимов Шавкат Жумақулович	1970	Навоий вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи	Навоий вилояти, Навоий шаҳри
38-Нурота сайлов округи			
Эрмухаммедов Насриддинович	1979	«Асака банк» давлат акциядорлик тижорат банкининг Навоий вилоят филиали бошқарувчиси	Навоий вилояти, Навоий шаҳри
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:			
39-Дўстлик сайлов округи			
Кенжабоев Шуқуржон Шарипович	1963	Наманган муҳандислик педагогика институтининг академик лицейи ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори	Наманган вилояти, Чортоқ тумани
40-Сардоба сайлов округи			
Дадабаева Насиба Хомиитдиновна	1969	Наманган шаҳридаги 9-оилавий поликлиника бош шифокори ўринбосари	Наманган вилояти, Наманган шаҳри
41-Тошбулоқ сайлов округи			
Омониллаева Гулнора Ибраҳимовна	1966	Наманган туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси	Наманган вилояти, Наманган тумани
42-Косонсой сайлов округи			
Тургунов Собитхон Топшўлатович	1965	Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани
43-Поп сайлов округи			
Раҳматова Дилорам Турғунбой-Расулжон	1958	Поп туманидаги «Тошпўлат-Турғунбой-Расулжон» фермер ҳўжалиги раҳбари	Наманган вилояти, Поп тумани
44-Тўрақўрган сайлов округи			
Абдуллаева Гулзода Миробидовна	1967	Тўрақўрган туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактаби директори	Наманган вилояти, Тўрақўрган тумани
45-Уйчи сайлов округи			
Маматчаев Комилжон Боймирзаевич	1966	Уйчи туманидаги «Мегатекстиль» қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи	Наманган вилояти, Уйчи тумани

46-Учқўрган сайлов округи			
Маткаримов Комолиддин Журабаевич	1968	Наманган муҳандислик-технология институтининг Муҳандислик-технология факультети декани	Наманган вилояти, Наманган шаҳри
47-Чортоқ сайлов округи			
Исмоилов Нурдинжон Мўйдинханович	1959	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани
48-Чуст сайлов округи			
Саъдуллаев Акрамжон Қўчқарович	1966	Наманган вилоят табиятчи муҳофаза қилиш кўмитаси раиси	Наманган вилояти, Тўрақўрган тумани
49-Янгиқўрган сайлов округи			
Кирғизбаев Абдуғаппор Каримжонович	1962	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:			
50-Регистон сайлов округи			
Султанова Дилшода Намазовна	1970	Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг Тасвирий санъат кафедраси доценти	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри
51-Сўғдиёна сайлов округи			
Элмуродов Абдуғани Акрамович	1969	Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги институти ўқув ишлари бўйича биринчи проректори	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри
52-Булуғгур сайлов округи			
Арзиқулов Саҳобиддин Жиянбоевич	1969	Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Самарқанд вилоят филиали директори	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри
53-Иштихон сайлов округи			
Саъдуллаев Дилмурод Сафоҳонович	1983	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани
54-Каттақўрган сайлов округи			
Қуванова Замира Мамашқуровна	1963	Пахтачи туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси	Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани
55-Қорадарё сайлов округи			
Ражаббоев Абдалим Эгамбердиевич	1966	«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Самарқанд филиали директорининг биринчи ўринбосари	Самарқанд вилояти, Иштихон тумани
56-Нарпай сайлов округи			
Бобоқулова Шоира Норқобуловна	1960	Нарпай туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси	Самарқанд вилояти, Нарпай тумани
57-Оқдарё сайлов округи			
Худжамқулов Суннатилла Аҳмедович	1958	«Меъмор Алишер Қумушкент» хусусий корхонаси бош муҳандиси	Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани
58-Пастдарғом сайлов округи			
Шаҳриев Абдиқодир Камалбаевич	1974	Самарқанд давлат тиббиёт институти ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ФАКУЛЬТЕТИ декани	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри
59-Пайариқ сайлов округи			
Умаров Ёқуб Дониёрович	1972	«Асака банк» давлат акциядорлик тижорат банкининг Иқтисодий таҳлил ва банк стратегик ривожлантириш департаменти бошлиғи	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани
60-Самарқанд сайлов округи			
Ахророва Муҳаббат Олимовна	1960	Самарқанд туманидаги «Оқмачит» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг Диний, маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси	Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани
61-Тайлоқ сайлов округи			
Турсунов Фарход Умирзакович	1968	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри
62-Ургут сайлов округи			
Хасанов Шавкат Турсунқулович	1974	Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги институти Қишлоқ ҳўжалик иқтисодиёти ва бошқарув кафедраси доценти	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри
63-Қоратепа сайлов округи			
Сафаев Акмал Атаевич	1963	Самарқанд вилоят ҳокимлигининг Инжиниринг компанияси директори	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:			
64-Гулистон сайлов округи			
Маматкаримова Мавлюда Ҳакимовна	1966	Гулистон туманидаги «Деҳқонобод» шаҳарча фуқаролар йиғини раиси	Сирдарё вилояти, Гулистон тумани
65-Сайхун сайлов округи			
Халикова Зулхумор Абдувахидовна	1959	Сирдарё туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактаби директори	Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани
66-Янгиер сайлов округи			
Каршиева Шоҳида Абдуқадировна	1965	Сирдарё вилоят эндокринология диспансери бош шифокори	Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри
67-Оқолтин сайлов округи			
Исламова Гулчехра Қодировна	1971	Оқолтин туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактаби директори	Сирдарё вилояти, Оқолтин тумани

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:			
68-Шеробод сайлов округи			
Дадаева Насиба Норматовна	1969	Шеробод туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактаби директори	Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани
69-Ангор сайлов округи			
Абдурасулов Фахриддин Мусурмонович	1968	Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сурхондарё вилоят филиали директори	Сурхондарё вилояти, Кумқўрғон тумани
70-Термиз сайлов округи			
Ашуров Икромжон Мейлиевич	1969	Термиз саноат ва транспорт коллежи ўқитувчиси	Сурхондарё вилояти, Термиз тумани
71-Жарқўрғон сайлов округи			
Норбаев Турсунпўлат Юсупович	1961	«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилоят бўлими бошқаруви раиси	Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани
72-Кумқўрғон сайлов округи			
Азимов Эшдавлат Эшбуревич	1972	Кумқўрғон иқтисодиёт ва транспорт коллежи директори	Сурхондарё вилояти, Кумқўрғон тумани
73-Шўрчи сайлов округи			
Шарипов Фирдавс Холназарович	1983	Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Сурхондарё худудий бўлими бош мутахассиси	Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри
74-Денов сайлов округи			
Мирзаев Кахрамон Элмуратович	1982	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Юридик бўлими катта референти	Сурхондарё вилояти, Денов тумани
75-Сариосиё сайлов округи			
Садиқов Алишер Мирзалиевич	1963	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Миробод тумани
76-Узун сайлов округи			
Саидбобоев Тоҳир Абдукаримович	1971	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Ахборот хизмати раҳбари	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:			
77-Ангрен сайлов округи			
Юнусова Алия Туйгуновна	1961	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани
78-Бекобод сайлов округи			
Исмаилов Омилхон Шуқуриллаевич	1973	Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Иқтисодиёт назарияси кафедраси мудири	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани
79-Бўка сайлов округи			
Султанов Исраил Исмаилжўраевич	1983	«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Юқори Чирчиқ туман кенгаши раиси	Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани
80-Бўстонлиқ сайлов округи			
Абдуллаев Абдуҳаким Лутпуллаевич	1976	Қўнрақ туманидаги «Яланғоч» ғишт заводи масъулияти чекланган жамияти директори	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани
81-Зангиота сайлов округи			
Муталов Отабек Ҳакимжўраевич	1974	Зангиота туманидаги «Master Delikatesov» масъулияти чекланган жамияти бош директори	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
82-Олмалик сайлов округи			
Назарова Нарғиза Абдужалиловна	1972	Ангрен шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри
83-Паркент сайлов округи			
Турсунбаев Шўхрат Мирайимович	1970	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани
84-Тўйтепа сайлов округи			
Юлдашева Нилуфар Абдуллаевна	1968	Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Маънавий-маърифий ва илмий ишлар бўйича проректори	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани
85-Чиноз сайлов округи			
Ахмедов Ҳожиакбархон Дилшатович	1975	Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Молия ва иқтисодий ишлар бўйича проректори	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани
86-Чирчиқ сайлов округи			
Худайбердиева Арофат Исраиловна	1970	Тошкент кимё-технология институти қошидаги Чирчиқ академик лицейи директори	Тошкент вилояти, Қўнрақ тумани
87-Қўнрақ сайлов округи			
Холмуродов Абдураҳимович	1983	Тошкент вилоят Табиати муҳофаза қилиш кўмитаси раиси ўринбосари	Тошкент вилояти, Қўнрақ тумани
88-Янгийўл сайлов округи			
Раҳимов Шўхрат Суннатович	1969	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Янгийўл туман кенгаши раиси	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани
89-Дўстобод сайлов округи			
Умаралиев Акмалжон Акбаралиевич	1974	Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюмлари республика Кенгаши раисининг ўринбосари	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:			
90-Бешариқ сайлов округи			
Абдуллаев Икромжон	1963	Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчи ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг биринчи ўринбосари	Тошкент шаҳри, Миробод тумани
91-Данғара сайлов округи			
Иркабаев Отабек Раҳматович	1979	«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг Қўқон минтақавий темир йўл узели бошлиғи	Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри
92-Яйпан сайлов округи			
Эсанов Ҳамидулла Убайдуллаевич	1965	«Ўзнефтгазмаш» акциядорлик компаниясига қарашли «Қўқон механик заводи» очик акциядорлик жамияти директорининг техник масалалар бўйича ўринбосари	Фарғона вилояти, Бувайда тумани
93-Қўқон сайлов округи			
Акбаров Нуман Абдуазизович	1961	«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг Фарғона филиали директори	Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри
94-Бағдод сайлов округи			
Пайгамов Алишербек Азизович	1981	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг бош бошқарма бошлиғи	Тошкент шаҳри, Миробод тумани
95-Риштон сайлов округи			
Назарова Ҳадича Абдуллаевна	1968	«Саломатлик плюс экология» нодавлат нотижорат ташкилоти бошқаруви кенгаши раиси	Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри
96-Олтиариқ сайлов округи			
Обиджонов Баҳромжон Анваржонович	1970	«Фарғона ҳақиқати» ва «Фарганская правда» газеталари бош муҳаррири	Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани
97-Қўштепа сайлов округи			
Касимов Нозим Қозимович	1970	Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг ўқув ишлар бўйича проректори	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани
98-Марғилон сайлов округи			
Эшонкулов Бунёдхон Махаммадалиевич	1982	Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани
99-Фарғона сайлов округи			
Сулайманов Рустам Юлдашев	1963	Фарғона вилоят Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри
100-Водил сайлов округи			
Сабилов Дилмурод Сидикович	1975	«Farg'onaazot» акционерлик жамиятининг Бино ва иншоотларни жорий таъмирлаш бошқармаси бошлиғи	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри
101-Тошлоқ сайлов округи			
Абдумаликов Абдуваҳоб Абидович	1975	Фарғона вилоят ҳокимлигининг Умумий бўлим мудири	Фарғона вилояти, Қўштепа тумани
102-Қува сайлов округи			
Муминол Сидикжон Мирсобирович	1956	Фарғона давлат университетининг Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри
103-Бувайда сайлов округи			
Уринбоев Аваз Рустамович	1978	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият «Миллий банки» Фарғона вилоят бўлими бошқарувчиси	Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани
104-Қувасой сайлов округи			
Ҳайдаров Абдусаммад Абдумаликович	1981	Фарғона шаҳар ҳокимлигининг Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари	Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:			
105-Урганч сайлов округи			
Ваисов Мурадхон Сапарбаевич	1973	«Мегафера» масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон-Россия қўша корхонаси бош директори	Хоразм вилояти, Гурлан тумани
106-Богот сайлов округи			
Нурметова Реймажон Абдуллаевна	1960	Богот тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси	Хоразм вилояти, Богот тумани
107-Гурлан сайлов округи			
Бердиева Барно Сайтназаровна	1974	Урганч туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси	Хоразм вилояти, Урганч тумани
108-Ҳазорасп сайлов округи			
Тангрибердиев Купалбой Раимбердиевич	1976	Хоразм вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи	Хоразм вилояти, Хонқа тумани
109-Хонқа сайлов округи			
Адамбаев Одилбек Жумабаевич	1973	Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси Хоразм вилоят телерадиокомпанияси директори ўринбосари	Хоразм вилояти, Урганч шаҳри
110-Хива сайлов округи			
Раҳматуллаев Мансурбек Ражапбоевич	1978	Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг Хоразм вилоят худудий бошқармаси бошлиғи	Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани
111-Шовот сайлов округи			
Рузметов Ҳайрулло Ибадуллаевич	1964	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:			
112-Қарши сайлов округи			
Нарматов Фуркат Пирматович	1977	«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қашқадарё вилоят Кенгаши раиси	Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри
113-Бешкент сайлов округи			
Намазова Шакира Эгамовна	1966	Қарши туманидаги «Феруза» фермер хўжалиғи раҳбари	Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри
114-Қамаши сайлов округи			
Ғазиева Умида Абдурасуловна	1968	Қашқадарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари	Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри
115-Нишон сайлов округи			
Курбанов Илхам Узақович	1961	Қарши магистраль каналдан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи	Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри
116-Косон сайлов округи			
Раҳматов Фуркат Абдираззоқович	1983	Тошкент ахборот технологиялари университетининг Дастурий инжиниринг факультети декани	Тошкент вилояти, Қўнрақ тумани
117-Қасби сайлов округи			
Тўраева Ханифа Тухтаевна	1968	Муборак туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси	Қашқадарё вилояти, Муборак тумани
118-Қитоб сайлов округи			
Шуқуров Шокиржон Зиёдуллаевич	1975	Қитоб туман тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси бошлиғи	Қашқадарё вилояти, Қитоб тумани
119-Чирокчи сайлов округи			
Раҳматов Саттор Нейматович	1973	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани
120-Шаҳрисабз сайлов округи			
Эшматова Феруза Фарходовна	1979	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг доценти	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани
121-Яккабоғ сайлов округи			
Саодатова Лола Мусурмоновна	1972	Республика Маънавият тарғибот маркази Қашқадарё вилоят бўлими раҳбари	Қашқадарё вилояти, Қашқадарё тумани
122-Ғузор сайлов округи			
Карамова Комила Зайдуллаевна	1960	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани
ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА:			
124-Оқтепа сайлов округи			
Исламова Дилфуза Дилшодовна	1979	Учтепа туманидаги 228-умумий ўрта таълим мактаби директори	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани
125-Дархон сайлов округи			
Дададжанов Юсуф Атабекович	1963	«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Telekom Invest» филиали директори	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани
126-Темирйўлчилар сайлов округи			
Мадаминова Феруза Вахидовна	1963	Миробод туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани
127-Қорақамчи сайлов округи			
Мамаджанов Шўхрат Муратович	1979	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Жиноий, маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани
128-Саноат сайлов округи			
Камилов Рустам Тўйчиевич	1972	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани
129-Дўмбиров сайлов округи			
Тохтаева Гузал Кашибовна	1961	Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюмлари республика Кенгашининг раиси ўринбосари	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани
130-Бодомзор сайлов округи			
Абдуллаев Ҳамдам Халилович	1963	Олмазор туманидаги «Гранд техно груп» масъулияти чекланган жамияти бошқарув раиси	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани
131-Астробод сайлов округи			
Абидова Дилдора Ядгаровна	1963	Мирзо Улугбек тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани
132-Тўқимачи сайлов округи			
Ачилов Жамол Алишерович	1982	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи ўринбосари	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани
133-Қўқча сайлов округи			
Тулаганова Гулчехра Захитовна	1969	Тошкент давлат юридик университетининг Жиноят процесуал ҳуқуқи кафедраси доценти	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани
134-Қўйлиқ сайлов округи			
Сағдуллаев Фуркат Лутфуллаевич	1964	«Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг техник таъминот ва транспорт бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани
135-Шайхонтоҳур сайлов округи			
Атаев Дилмурод Иргашоевич	1970	Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Инвестиция департаменти бошлиғи	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани

Мен дунёнинг кўплаб давлатларининг рамзи бўлган майдонларда бўлганман. Регистон дунёнинг бебаҳо меъморий ансамблларида биримиз

ИНТЕРНЕТ СУХБАТ

Тошкент дунёнинг яшаш учун энг қулай шаҳри

Бу — Италиянинг нуфузли нашри Repubblica.it мухбири Донателла Такконеллининг сўзлари

2014 йилда Донателла Такконелли хонимнинг «Ўзбекистон — Буюк ипак йўлининг юраги» номли мақоласи чоп этилди. Ҳамкасбимиз билан интернет орқали суҳбатлашдик.

— Мени Ўзбекистондаги аjoyиб табиат, мусаффо осмон ром қилган, — дейди у. — Ўзбек бозорлари эса алоҳида бир мавзу. Бу ердаги жўшқинликни бошқа жойдан топиб бўлмайди. Шу сабабли ҳам юртингиздаги қайси шаҳарга бормай, албатта, бозор айландим. — Ўзбекистондаги шаҳарлар сизда қандай таассурот қолдирди? — Аввало, пойтахтингиз Тошкент ҳақида гапирсам. Бу шаҳар замонавий эканлиги ва дараклар кўплиги билан эътиборимни тортди. Ҳеч иккиланмишисиз Тошкентни «яшил шаҳар», дея оламан. Ҳавоси тоза. Бундан ташқари, пойтахтингиз метросидаги бекатлар ўзига хос меъморий ёндашув билан қурилгани мени ҳайратлантирди. Тўғриси айтсам, кўплаб шаҳарлардаги метролар бир-

бирига ўхшаш. Тошкент метроси эса бетақрор. Мен Тошкентни дунёнинг яшаш учун энг қулай шаҳарларидан бири, деб ҳисоблайман. Хивага борганимда ўзимни ўрта асрларга тушиб қолгандек сездим. У ердаги меъморий обидаларни томоша қилар экансиз, тарих ва буғуннинг уйғунлиги олдида таъзим қиласиз. Самарқанд ва Бухоронинг гузаллиги ҳам ўзига хос. Айниқса, Самарқанд жуда чиroyил шаҳар. Мен дунёнинг кўплаб давлатларининг рамзи бўлган майдонларда бўлганман. Регистон дунёнинг бебаҳо меъморий ансамблларида биридир. Ўзбекистон ҳақида кам маълумотга эга бўлсам-да, бу дёрни меъморий ёдгорликлари кўп юрт сифатида билар эдим.

Сафаримдан кейин тасаввурларим янада бойиди. Ўзбек маданияти ва санъатини ўрганишга бўлган қизиқишим ортди. Ўзбекистон тақрорланмас маданий анъаналарга эга бўлган

Ўзбек туризми ривожланиш босқичида турибди. Ўйламанки, келажакда Ўзбекистон сайёҳлар ташрифи бўйича энг юқори кўрсаткичга эга давлатлар қаторига кирилади.

— Ўзбекистон халқи ҳақида фикрларингиз? — Ҳамюртларингиз менга жуда яхши муносабатда бўлишди. Йўлга чиқишдан олдин меҳмондўстлик бунчалик юқори кўринишда бўлади, деб ўйламагандим. Ўзбек халқи кўли очқ халқ. Мен Ўзбекистонда ўтган вақт мобайнида ҳеч қандай қийинчиликка дуч келганим йўқ. Бизга зарур бўлган ҳамма нарсани муҳайё қилиб беришди. Шу сабабли ҳам агар яна Ўзбекистонга бориш имконияти пайдо бўлса бажонидил бу ишни амалга ошираман. Мен учун қадрдон бўлиб қолган мамлакатни яна бир бор кўришдан фаяда хурсанд бўламан. — Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини қандай баҳолайсиз? — Ўзбекистонда кўплаб аjoyиб меҳмонхоналар бор эканидан ҳайратга тушдим. Улардаги хизмат кўрсатиш сифатига қўйил қолдим. Юртингиз ўзининг туристик имкониятларидан бундан



ҳам яхшироқ фойдаланса бўлади. Бунинг учун Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти ҳақида видео роликлар сонини янада кўпайтириш керак. Ўзбек туризми ривожланиш босқичида турибди. Ўйламанки, келажакда Ўзбекистон сайёҳлар ташрифи бўйича энг юқори кўрсаткичга эга давлатлар қаторига кирилади. Ўзбекистонда кўплаб инсонлар менга қадрдон бўлиб қолди. Ўйламанки, бизнинг дўстлигимиз анча йиллар давом этади.

Темур АБЗАМ суҳбатлашди.



7-16 ноябрь кунлари Қозоғистоннинг Алматы шаҳрида оғир атлетика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз битта олтин, иккита кумуш ва битта бронза медалига сазовор бўлди.

Оғир атлетикачиларимиз Рио-де-Жанейро олимпиадасига саккизта йўлланмани қўлга киритди

Дунёнинг 72 давлати спортчилари қатнашган мазкур нуфузли мусобақада нафақат голиб ва совриндорлар аниқланди, балки 2016 йили Рио-де-Жанейрода бўладиган XXXI ёғзи Олимпиада уйинлари йўлланмалари учун дастлабки очколар ҳам ўйналди. Жаҳон чемпиони Руслан Нурудинов даст кўтаришида (193 килограмм) барча рақибларини орта қолдириб, олтин медал билан тақдирланди. У силтаб кўтариш баҳсларида 239 кг. натижа билан шоҳуспанинг фахри учинчи погонасидан жой олди. Иккикураш якунларига кўра, ҳамюртимиш кумуш медалга сазовор бўлди — 432 кг. Эътиборлиси, Руслан Нурудинов Алматыда қайд этган кўрсаткичи билан ўзининг шахсий рекордини ҳам янгилади. Ёдингизда бўлса, 2013 йили Польшада ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлган Руслан иккикураш якунларига кўра, 425 кг. (даст кўтаришида — 190 кг., силтаб кўтаришида — 235 кг.) натижани қайд этган эди. Истеъдодли спортчиларимиздан яна бири Улугбек Алимов силтаб кўтариш мусобақасида 213 кг. тошни ўзига бўйсундириб, жаҳон чемпионати кумуш медалига сазовор бўлди. Олимпиада уйинларига йўлланмалар спортчиларнинг жаҳон ва қитъа чемпионатларида кўрсатган натижаларини

нинг умумий кўрсаткичига кўра терма жамоаларга берилади. 2016 йилги ёғзи Олимпиада уйинларининг йўлланмалари учун очколар 2014-2015 йилларда ўтадиган жаҳон ва қитъа чемпионатларида эришилган натижалари якунлари асосида тақдим қилинади. Кувонарлиси, Алматыда ўтган жаҳон чемпионатида эркаклар терма жамоамиз 1 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида еттинчи, очколар бўйича 52 мамлакат вакиллари ўртасида тўққизинчи ўринни эгаллади ва Рио-де-Жанейро олимпиадасига 5 та лицензияни деярли нақд қилиб қўйди. Аёллар терма жамоаси эса очколар ҳисобида қирқ етти мамлакат спортчилари орасида ўнинчи погонадан жой олди ва учта йўлланмага сазовор бўлди. — Оғир атлетикачиларимизнинг эришган натижалари ҳар қанча таҳсинга лойиқ, — дейди Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси вице-президенти Шаҳрулло Маҳмудов. — Агар 2015 йили Ҳьюстон (АҚШ)да ўтказилган жаҳон чемпионатида бундан-да яхши кўрсаткичга эришилса, йўлланмалар сони яна биттага кўпаяди.

Эркин ХОЛБОБО «Ўзбекистон овози» мухбири.

Навбат — Афро-Осиё чемпионатида!

Кеча пойтахтимизда оғир атлетика бўйича илк мартаба катталар ўртасида Афро-Осиё чемпионати ва ўсмирлар ўртасида эса III Осиё кубоги баҳслари бошланди. Халқаро оғир атлетика федерацияси ташаббуси билан биринчи бор ўтказилган Афро-Осиё чемпионатида Қувейт, Эрон, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Қозоғистон, Камерун, Миср, Мадагаскар, Ливия каби йигирмадан ортқ давлатдан ташриф буюрган икки юз нафардан зиёд спортчи голиблик учун кураш олиб бормоқда. — Утган йили Халқаро оғир атлетика федерациясининг Доҳада бўлиб ўтган навбатдаги конгрессида мазкур мусобақани ташкил этишга қарор қилинган эди, — дейди Осиё оғир атлетика федера-



цияси бош қотиби Али Ҳошим Муроди. — Бундан кўзланган бош мақсад — аввало, икки қитъа спортчилари ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашишдан иборат. Мусобақага Ўзбекистоннинг мезбонлик қилиши эса юртингизда жисмоний тарбия ва спортни ривож-

лантиришга берилаётган юксак эътиборнинг самараси, деб биламан. Чунки мамлакатингизда қитъа ва жаҳон чемпионатлари, йирик халқаро турнирларни юқори савида ўтказиш бўйича катта тажриба тўпланган. Ташкилотчилар қарорига кўра, анъанавий тарзда ташкил этиладиган Афро-Осиё чемпионати ҳар йили ўтказилади. Навбатдаги мусобақага Африка қитъаси мамлакатларидан бири мезбонлик қилади. Мезбон давлат номи эса Тошкентдаги беллашувлар охирида эълон қилинади. Кеча дастлабки кунги баҳсларда эркаклар 56, 62, 69, 77, аёллар эса 48, 53, 58 кг вазн тоифаларида медаллар учун кураш олиб боришди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ, ЎЗДЖТУ талабаси.

Имтиёзли кредитлар аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда

Марказий банк томонидан «Соғлом бола йили»да амалга оширилган ишлар таҳлилига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда тижорат банклари раҳбарлари, мутасадди вазирилари ва идоралар, жамоат ташкилотлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди. Тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириши рағбатлантириш мақсадида қабул қилинган қонунлар ва қўнуности ҳужжатлари билан яратилган имтиёз ва преференциялар, соҳа субъектларига имтиёзли кредитлар ажратиш шарт-шароитлари, бизнес режаларни имтиёзли молиялаштириши кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумотлар берилди. Жорий йилнинг ўн ойи давомида тижорат банклари томонидан 8 триллион сўм кредит ажратилди. Бу ўтган йилнинг шу давrigа нисбатан 1,3 баробар кўпдир.

Хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиш учун 180,1 милли-

ард сўм миқдорига (ўтган йилнинг шу давrigа нисбатан 1,5 баробар кўп) имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Таъкидлаш ўринлики, бу кредитларнинг сезиларли қисми саноат ва инфратузилма дачи ривожланмаган туманлардаги таълим муассасалари битирувчилари бизнес-режаларини лойиҳалашга йўналтирилган. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 1,37 триллион сўм (1,3 баробар кўп) ва саноат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 1,5 триллион сўм (1,3 баробар кўп) кредит ажратилди. Бундан ташқари, тижорат банкларининг оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни фаол қўллаб-қувватлаши туфайли мазкур соҳа бир маромда ривожланиши кузатилмоқда. Уларга ўтган оилав давомида 170,4 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг шу давrigа нисбатан қарий 1,5 баробар кўп кредит ажратилди. Қолаверса,

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ниҳол» республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичида элликка яқин йигит-қиз мусика, рақс, анъанавий ижрочилик, эстрада ва опера санъати йўналишлари бўйича ўз иқтисдорини намойиш этди.

Истеъдод ва маҳорат намойиши

Президентимиз ташаббуси билан иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган ва анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур танлов истеъдодли ёшларни кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Ушбу танловда муваффақият қозонган йигит-қизлар бугун миллий санъатимизда ўз ўрнини топиб, унинг ривожига муносиб ҳисса қўшаётир. Бу ёшларда танловга қизиқишни ошириб, қатнашчилар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Паркентлик Нодира Мансурова Тошкент шаҳридаги маданият коллежида таҳсил олмақда. У «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Юрт келажаги» каби қатор нуфузли танловларда муваффақиятли иштирок этган.

«Ниҳол» республика кўрик-танловининг худудий босқичи голиблари қаторидан жой олганидан хурсандман, — дейди Нодира. — Санъат сирларини пухта ўрганишимиз учун давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланиб, келажакда Ватанимиз шаънини халқаро миқёсда янада улуглашга ҳисса қўшамиз.

Ҳакамлар ҳайъати қатнашчиларга баҳо беришда уларнинг ижро маҳорати ва сахна маданияти, қўшиқ матни ва мусика уйғунлиги каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратди. Барча йўналишлар бўйича голиблар аниқланиб, уларга мамлакат босқичига йўлланма берилди.

Б.ҲИДОЯТОВ, ЎЗА мухбири.

Weather forecast table for Uzbekistan regions: OB-XAVO, Юртимиз бўйлаб, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти, Бухоро ва Наманган вилоятлари, Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари, Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари, Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари, Тошкент шаҳри.

World weather table: Дунё бўйлаб (°C) with cities like London, Париж, Москва, Мадрид, Пекин, Канберра, Рим, Афина, Токио, Стокгольм, Кейптаун, Қоҳира, Гавана, Вашингтон.

MUASSIS: Xalq Demokratik Partiyasi Markaziy Kengashi logo and name.

Bosh muharrir: Safar OSTONOV. Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Utamjon KETMONOV, Ulug'bek VAOFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug'bek, MUSTAFOYEV, MUSTAHIDDIN, MUHIDDINOV, Ochiilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV, (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA, (Bosh muharrir o'rinbosari).

Qabulxonа — 233-65-45. Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56. E-mail: info@uzbekistonovozi.uz. MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 1159, 11546 nuxxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 22.00 Topshirilgan vaqti — 23.45. Sotuvda kelishilgan narxda.

Navbatchi: Abdusalam MAHMUDOVI. Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV. ISSN 2010-7633. 1 2 3 4 5.